

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВА НОДИРА ШАРИПОВНА

**ТАМАКИ ЕТИШТИРУВЧИЛАРНИНГ СТОМАТОЛОГИК СТАТУСИ
ВА УЛАРДА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Назарова Нодира Шариповна

Тамаки етиштирувчиларнинг стоматологик
статуси ва уларда даволаш-профилактика
тадбирларини такомиллаштириш..... 3

Назарова Нодира Шариповна

Стоматологический статус у табаководов и
совершенствование лечебно-профилактических
мероприятий..... 21

Nazarova Nodira Sharipovna

Dental status of tobacco growers and
improvement of treatment and preventive measures..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВА НОДИРА ШАРИПОВНА

**ТАМАКИ ЕТИШТИРУВЧИЛАРНИНГ СТОМАТОЛОГИК СТАТУСИ
ВА УЛАРДА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib286 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsdi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилов Хайдар Позилович

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Амхадова Малкан Абдурашидовна

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

(Россия Федерацияси)

Боймуродов Шухрат Абдужалилович

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Узок Шарк Давлат Тиббиёт университети

(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Ташкент ш., Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.И. Ирсадиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ишчиларнинг касбий патологиясини олдини олиш ва улар учун оптимал меҳнат шароитини яратиш соҳа ходимлари олдида қатор вазифаларни қўймоқда. Тамаки ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш комплекси тармоқлари орасида юқори даражада ривожланган соҳа бўлиб ҳисобланади ва тамаки етиштирувчи фермерлик хўжаликлари ҳамда бирламчи қайта ишлашни амалга ошириш, ферментацион заводлар, тамаки комбинатлари ва фабрикалари кўринишида фаолият олиб боради. Тамакини қайта ишлашни фабрикагача бўлган ҳар бир алоҳида босқичида механизация воситаларини кенг қўллашга қарамасдан, «...тамаки етиштиришда кўплаб меҳнат операциялари қўлда бажарилади. Тамаки етиштириш, йиғиш ҳосил йиғилгандан кейинги қайта ишлаш жараёнида, ишчилар ишлаб чиқариш муҳитида турли физик ва кимёвий ноқулай таъсирида бўлади, уларга: тамаки чангининг юқори концентрацияси, тамаки чанги, ноалкалоид гуруҳининг азот сақловчи моддалари, фенол, метанол, эфир ёғлари, метил спирти ва қурум, минерал моддалар киради...»¹. Тамаки таркибига қўшимча сифатида «...пестицидлар, гербицидлар, фунгицидлар, инсектицидлар, ўсимликлар касалликлари, бегона ўт ва зарарловчилардан ҳимоя қилиш воситаси сифатида фойдаланиши натижасида кириши мумкин...»² экани қатор олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу муаммоларнинг ечимини топиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда тамакичилик билан шуғулланувчиларда стоматологик статус хусусиятлари ва даволаш профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, тамаки етиштирувчиларда стоматологик касалликларни тарқалиши ва интенсивлигини баҳолаш; тамаки етиштирувчиларда тишнинг каттиқ тўқималари функционал ҳолатини ва таъм билиш анализаторларини баҳолаш; тамаки ишлаб чиқариш корхона ишчиларида оғиз бўшлиғининг номахсус резистентлигини ва тамаки аллергиясига ОБШҚ сенсibiliзация даражасини баҳолаш; тамаки ишлаб чиқариш ишчиларига стоматологик ёрдам кўрсатиш алгоритминини ишлаб чиқиш; даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритм самарадорлигини физиологик ҳолатга, номахсус резистентликка ва оғиз бўшлиғи сенсibiliзациясига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш ва касалликни даволаш самарадорлигини баҳолаш, касаллик асоратларни камайтириш, профилактик чора-тадбирлар механизминини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Баева И.В. Гигиеническая оценка табачного производства города Ярославля как источника загрязнения атмосферного воздуха // Гигиена и санитария. - М., 2013. - №1. - С. 25-26.

² Christiani D.C., Ye T.T., Zhang S., Wegman D.H., Eisen E.A., Ryan L.A., Olenchock S.A., Pothier L., Dai H.L. Cotton dust and endotoxin exposure and long-term decline in lung function: results of a longitudinal study // Am. J. Ind. Med. - 2010.-№35(4).-P. 321-31.

Мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасини ривожлантириш, жумладан аҳоли орасида сурункали касалликларни олдини олиш, тамаки маҳсулотларининг салбий асоратларини камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ...»³ вазифалари белгиланган. Бу вазифаларни амалга оширишда беморларга кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ҳамда тамаки маҳсулотлари зарарли таъсирида ривожланган стоматологик касалликларни ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усуллари тақомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947 сон Фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон ва 2014 йил 1 августдаги «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ПҚ–2221-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тамаки маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлган шахсларнинг саломатлик ҳолатига тамаки етиштиришнинг турли босқичларида ва тамакини бирламчи қайта ишлашда кўрсатадиган салбий таъсири аниқланган. Қишлоқ хўжалигида бошқа турдаги ишлар билан банд бўлган ишчилар билан ўтказилган қиёсий таҳлил, тамаки етиштириш билан банд бўлган ишчилар ўртасида умумий касалланишни 37%га, меҳнатга яроқсизлик кунлар сонини эса -30%га юқори эканлигини кўрсатди. Тамаки етиштириш билан банд бўлганлар касалланиш структурасида юқори ўринларда нафас олиш тизим аъзолари ва меъда ичак тизим касалликлари, юқумли ва аллергия касалликлар, асаб ва юрак қон томир тизим касалликлари, тери ва тери ости клечатка касалликлари туради [Sun J. L., et. al 2016; Riquinho D. L.,Hennington E. A.,2014; Meucci R. D.Et. al 2017; Bartholomay P., et .al 2012; Reis MMD., et. al 2012; Fassa A. G., 2017 et. al].

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

Шу билан бир вақтда бизларга маълум бўлган адабиётларда тамаки етиштирувчиларни стоматологик касалланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас, ушбу контингент учун ихтисослаштирилган стоматологик ёрдам алгоритми ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда тамаки етиштирувчилардаги стоматологик патологияга оид алоҳида нашрлар, тажриба шароитида тамаки экстрактини лейкоплакияга ўхшаш бўлган клиник-морфологик ўзгаришларни чақириши мумкинлиги исботланган [Сабуров А.Х., 2004; Аралов Н.Р. ва бошқ. 2008; Арифханова С.И. ва бошқ. 2007; Антонов Н.С. ва бошқ., 2011].

Тамакичилик билан шуғулланадиган ва ушбу минтақада истиқомат қилаётган аҳоли орасида стоматологик статус, ташхислаш, профилактикаси ва даволаш усуллари ўрганишга бағишланган ишлар мамлакатимизда ўрганилмаган, бошқа тиббиёт соҳасида ушбу йўналишда ишлар бажарилган. Шу сабабли аҳолининг стоматологик статусини ўрганиш ва олдини олиш ҳамда оғиз бўшлиғи касалликларини самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 0111001079 «Оғиз бўшлиғи ва тиш патологияларини даволаш ва олдини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» (2012-2014) илмий мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тамаки етиштирувчиларни оғиз бўшлиғи стоматологик статуси асосида стоматологик реабилитацион ошириш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тамаки етиштирувчиларда стоматологик касалликларни тарқалиши ва интенсивлигини баҳолаш;

тамаки етиштирувчиларда тишнинг қаттиқ тўқималари функционал ҳолатини ва таъм билан анализаторларини баҳолаш;

тамаки ишлаб чиқариш корхона ишчиларида оғиз бўшлиғининг номахсус резистентлигини ва тамаки аллергенига ОБШҚ сенсibiliзация даражасини баҳолаш;

тамаки ишлаб чиқариш ишчиларига стоматологик ёрдам кўрсатиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритм самарадорлигини тамаки ишлаб чиқариш корхона ишчилари физиологик ҳолати, номахсус резистентликка ва оғиз бўшлиғи сенсibiliзациясига кўрсатадиган таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятидаги тамакичилик билан шуғулланувчи Ургут туманида истиқомат қилувчи ва ишловчи 1036 нафар ишчи, назорат гуруҳини эса Самарқанд вилоятидаги сабзавотчилик билан шуғулланувчи туманда истиқомат қилувчи 1028 нафар, даволаш

самарадорлигини 92 нафар тамакичилик билан шуғулланувчиларда ва 84 нафар қиёсий гуруҳга киритилган инсонларда баҳоланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида стоматологик патология, парадонт, тишлар кариеси, нокариоз шикастланиш ва ОБШҚ касалликлари, тишлар эмали, милк капиллярлари ва таъм билиш анализаторлари, тамаки аллергиясига сенсibiliзацияни баҳолаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида эпидемиологик, клиник, клиник-функционал, иммунологик, аллергологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тамаки етиштирувчиларда тамакининг салбий захарли таъсирининг оқибатида стоматологик касалликлар интенсивлиги ва тарқалиш даражасининг ошиши динамикаси исботланган;

бириктирувчи тўқиманинг плазматик хужайраларида РНКнинг пасайиши, қон томирлари деворида гликоген миқдорининг кескин камайиши, нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги сусайиши, сўлакдаги SIgАнинг пасайиши каби бузилишлар, тамаки етиштирувчиларда стоматологик патология ривожланишининг патогенетик механизмлари исботланган;

тамаки етиштириш жараёнидаги тамаки чанги таъсири сабабли тиш қаттиқ тўқималари резистентлигининг пасайиши, эмалдаги реминерализация жараёнининг бузилиши, таъм сезгиси ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг аллергенларга нисбатан сенсibiliзациясининг ошишига олиб келиши исботланган;

тамаки етиштирувчи аҳоли орасидаги стоматологик патологиянинг патогенези асосида комплекс даволаш тизими исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тамаки ишлаб чиқаришни оғиз бўшлиғи орган ва тўқималарига кўрсатадиган салбий таъсирини кўп омилли эканлиги асосланган;

оғиз бўшлиғини ўз вақтида санація қилиш, тизимли соматик патологияни даволаш, шунингдек опефера иммуномодулятори иштирокида иммунитетни тиклаш тизими ишлаб чиқилган;

тамаки чангига сенсibiliзацияни камайтиришни аллергияга қарши Альцетро воситаси ёрдамида амалга ошириш ва оғиз бўшлиғи микробиоценозини Хепилор маҳаллий воситаси ёрдамида тиклаш каби даволаш-профилактик чора-тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган комплексни қўллаш ёрдамида тамаки етиштирувчилар орасида асосий стоматологик касалликлар сонини камайтиришга қаратилган даволаш тизими асосланган;

ишлаб чиқарилган алгоритм тишнинг қаттиқ тўқимаси функционал ҳолатини тиклаш, милк капиллярлари чидамлилигини ошириш ва таъм билиш анализатори вазифасини тиклаш ва тамакига бўлган сенсibiliзацияни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, эпидемиологик,

клиник, клиник-функционал, иммунологик, алергологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тамакичилик билан шуғулланувчиларда стоматологик статус хусусиятлари ва даволаш профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш асосида реабилитацияни ошириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тамаки етиштиришда юзага келадиган ишлаб чиқаришнинг салбий омилларини клиник ўзига хосликларини стоматологик касалликларга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш, тамаки етиштирувчиларда стоматологик касалликларни эрта ташхислаш учун зарур, янада сезгирроқ бўлган оғиз бўшлиғининг иммунологик ва клиник-функционал кўрсаткичлари тавсия этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти стоматологик шифокорларга тамакичилик билан шуғулланадиган минтақаларда оғиз бўшлиғи аъзоларининг стоматологик касалликларни ривожланишини олдини олиш ва сонини камайтиришга имкон берувчи даволаш-профилактик чора-тадбирлар алгоритми ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тамакичилик билан шуғулланувчиларда стоматологик статус хусусиятлари ва даволаш профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тамакичилик билан шуғулланувчи ишчиларда оғиз бўшлиғи касалликлари клиникаси ва даволаш-профилактика хусусиятлари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 январдаги 8н-д/9-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма тамакичилик билан шуғулланувчи ишчилар орасида оғиз бўшлиғи касалликларининг келиб чиқиши, омиллари, ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш хусусиятларини таҳлил қилиш имконини берган;

«Тамаки етиштирувчи ишчиларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва парадонт касалликларининг кечиши ва уларни даволаш профилактик чора-тадбирлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 январдаги 8н-д/9-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тамаки етиштирувчи аҳоли орасида парадонт касалигини самарали даволаш тизимини яратиш имконини берган;

Тамакичилик билан шуғулланувчиларда стоматологик статус хусусиятлари ва даволаш профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология поликлиникаси, Самарқанд вилояти ва Ургут тумани стоматологик поликлиникалари клиник амалиёти, Самарқанд ва Ургут тумани Давлат санитария эпидемиология назорати маркази амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг 2019 йил 11 февралдаги 8н-з/17–сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши тамакичилик билан шуғулланувчиларда стоматологик статус хусусиятларини яхшилаш беморларда пародонтитни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш ва асоратларни камайтириш ва даволаш профилактик ёрдам сифатини ошириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тамакичилик билан шуғулланувчиларда стоматологик статус хусусиятлари баҳолашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича адабиёт манбалари кенг таҳлил қилинган. Стоматология соҳаси бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Тамаки етиштирувчиларни клиник-лаборатор статусини ўрганиш асосида стоматологик реабилитацияни оширишнинг замонавий усулларига бағишланган адабиёт манбалари баён қилинган, давлат ва маҳаллий миқёсда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар келтирилган. Муаммонинг ҳал этилмаган ва ўз ечимини кутаётган жиҳатлари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **«Тамакичилик билан шуғулланувчиларда стоматологик статусни баҳолаш тизими материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг эпидемиологик ва клиник-функционал усуллари баён этилган. Самарқанд вилоятининг тамаки етиштиришга ихтисослашган Ургут туманида тамакини фабрикагача қайта ишлаш ва етиштиришни барча босқичларида меҳнат широкитининг санитар-гигиеник тавсифи тузилди. Тамаки ишлаб чиқаришда ишлаб чиқаришнинг

зарарли омилларини ўрганиш учун атмосфера ҳавосидан олинган 4078 намуна таҳлил қилинди.

Стоматологик касалликларни ўсишига тамакини фабрикагача қайта ишлаш ва етиштириш жараёнлари ишлаб чиқариш муҳотидаги таъсир этиши мумкин бўлган омилларни ўрганиш учун Ургут тамаки фабрикасида меҳнат қилувчи 1036 нафар ишчида эпидемиологик стоматологик кўриклар амалга оширилди (Самарқанд вилояти). Назорат гуруҳини Самарқанд вилоятидаги сабзавотчиликка ихтисослашган туманда истиқомат қилувчи 1028 нафар киши ташкил этди, улар мос ҳолдаги ижтимоий-маиший ва микроиқлим шароитларига эга бўлган ҳамда тамаки ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирига ва бошқа ишлаб чиқаришнинг зарарли омилларига учрамаган аҳоли гуруҳидир (назорат гуруҳи).

Ҳар икки гуруҳдаги тадқиқотда иштирок этганларнинг ёши 18 дан 60 ёш ва ундан катталарни ташкил этди, меҳнат стажи эса – 5 йилдан 25 йилгача ва ундан юқоридир.

Эпидемиологик стоматологик текширишда ЖССТ (Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти) нинг CPITN (the Community Periodontal Index of Treatment Needs) парадонтал индексини қўллаган ҳолда парадонт касалланишининг интенсивлиги ва тарқалиши ва уни баҳолаш бўйича стандартлаштирилган тавсиялар баҳоланди.

Парадонт тўқимасининг ҳолатини Шиллер-Писарев синамаси ёрдамида, оғиз бўшлиғи гигиенасини –Л.В.Федорова бўйича баҳоланди.

КПО кўрсаткичлари ва унинг таркибий қисм элементлари ҳисобга олинди: К-кариесга учраган тишлар; П-пломбаланган тишлар; О-олинган тишлар, шунингдек, тишларни кариес билан зарарланмаслигини тарқалиши ва интенсивлигининг фоизи ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати фоизи.

Тамаки ишлаб чиқаришдаги зарарли моддаларни оғиз бўшлиғи тўқималари ва органларининг функционал ҳолатига кўрсатадиган таъсирини мукамал ўрганиш учун 92 нафар тамаки етиштирувчиларда ва таққослаш гуруҳидаги 84 нафар кишиларда тадқиқотлар амалга оширилди. Ўрганилаётган кўрсаткичларга жинс таъсирини олиб ташлаш учун тадқиқотлар меҳнат стажи 5 йилдан ортиқ бўлган, 21-40 ёшдаги эркекларда ўтказилди.

Тишлар эмалини кислотага чидамилилигини структур-функционал баҳолаш учун Т.А.Рединова ва ҳаммуаллифлар томонидан тавсия этилган усулдан (1982), тишнинг қаттиқ тўқималари электр ўтказувчанлигини ўрганишда Г.Г.Иванов томонидан тавсия этилган усулидан (1984), парадонт тўқимаси капиллярларининг турғунлигини аниқлашда эса В.А.Кулаженко (1960) усулидан фойдаланилди.

Таъм сезувчанлигини тадқиқ қилиш Н.С.Зайко усули бўйича (1958) функционал мобиллик кўрсаткичлари орқали амалга оширилди. 26 нафар тамаки етиштирувчиларда милкларнинг гистологик тузилмаси ўрганилди (14 нафарида парадонтит ва 12 нафари эса парадонтитсиз).

Чуқурлаштирилган клиник-аллергологик тадқиқотлар ўз таркибига аллергологик анамнезни олган бўлиб, бунда терини кўриқдан ўтказиш

мутахассис-дерматолог томонидан, юқори нафас йўллари шиллик қаватини кўрикдан ўтказиш – отолоринголог томонидан амалга оширилди.

Тамаки аллергенига сенсibiliзацияни баҳолаш эндонал ва сублингал провокацион намуналарни тамаки аллергени ва Уанье бўйича микроприципитация реакцияси in vivo қўйиш йўли билан амалга оширилди. Оғиз бўшлиғининг маҳаллий иммунитет ҳолатини Каграмон-Ермолова бўйича (1966) ТГА микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ходимлари модификациясидаги сўлақда лизоцимлар фаоллигини аниқлаш орқали баҳоланди (И.А.Биков, С.А.Кирюхина усули бўйича нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллигини аниқлаш (1994), сўлақ таркибида иммуноглобулин А миқдорини аниқлаш (sIgA) (Манчини, 1965), оғиз бўшлиғидаги микрофлора таркибини – Г.А.Шальнова усули бўйича аниқланди (1962).

Клиник-функционал кўрсаткичларни ўрганиш, тамаки ишлаб чиқаришни оғиз бўшлиғи органларига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш, шу асосида ўрнатилган ўзгаришлар ва силжишларни олдини олиш ҳамда даволашни комплекс усулларини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

92 нафар тамаки этиштирувчилар оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималари функционал ҳолатига тамаки ишлаб чиқаришнинг таъсири баҳолангандан сўнг, барча тадқиқот иштирокчилари ёши ва иш стажи бир хил бўлган икки гуруҳга ажратилди:

1 асосий гуруҳ- 46 нафар бемор, бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган комплекс даволаш қабул қилганлар.

2 қиёсий гуруҳ- 46 нафар бемор, стоматологик ёрдам кўрсатишда белгиланган стандартларга мос даволаш қабул қилган беморлар.

Даволашдан олдин барча беморларда оғиз бўшлиғини санация қилиш, профессионал гигиена, парадонт ва шиллик қават касалликларини даволаш амалга оширилди. Асосий гуруҳ беморларини умумий даволаш –аллерголог ва касб касаллик шифокорлари томонидан буюрилди ва тамаки ишлаб чиқариш таъсири натижасида юзага келган метаболик силжишларни бартараф этиш ва десенсибилизацияга йўналтирилди. Иммунологик силжишларни меъёрлаштириш учун организм функцияларини оптималлаштирувчи комбинациялашган пробиотик-Опифера суткада 1-3 марта, 1-2 капсуладан буюрилди; тамаки чангига нисбатан сенсibiliзацияни камайтириш учун – аллергияга қарши восита-Альцетра суткада 1 марта 5 мг дан буюрилди; оғиз бўшлиғидаги яллиғланиш жараёнларини бартараф этиш учун – антисептик ва анальгетик дори воситаси – Хепилор буюрилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда “Statistica for Windows 7.0” персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқот маълумотларини статистик қайта ишлашда ўртача арифметик катталикни (M) ҳисоблаш билан вариацион статистика усули, ўртача квадрат силжиш ($\pm\sigma$) ўртача арифметик катталик хатоликлари ($\pm m$) ва нисбий катталик (частота%) ларда қўлланилди. Олинган ўзгаришларнинг статистик

аҳамияти ўртача катталиклар билан таққосланиб Стъюдент мезони бўйича аниқланди (t) ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланади (P). Статистик белгилар ўзгариши учун ишончлилиқ даражаси қабул қилинди $P < 0,05$.

Белгилар гуруҳи ва алоҳида белгилар бўйича даволаш самарадорлигининг ўртача ва ўртача йиғинди кўрсаткичи, ўртача йиғинди самарадорликни ҳисоблаш асосида Байес усули бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг «**Тамаки етиштирувчиларда стоматологик касалланиш**» деб номланган учинчи бобида тамаки етиштирувчиларни эпидемиологик тадқиқ қилиш, клиник-функционал текширишлар ва даволаш натижаларига оид маълумотлар келтирилган.

Тамаки етиштириш ва тамакини фабрикагача қайта ишлашда банд бўлган ишчиларга таъсир этувчи зарарли ишлаб чиқариш омиллари, мазкур омилларга қирувчи- тамаки чанги ва пестицидларни ноқулай метеорологик шароитлар билан биргаликда кўрсатадиган таъсири, тамаки етиштирувчиларда меҳнат шароитини зўриқиш бўйича 4 синфга кириши, ҳавфлилик ва зарарлилик бўйича – меҳнат шароитининг 3,2 ва 3.4 синфига кириши баён этилган.

Ургут тамаки етиштиришга ихтисослашган туманидаги тамаки етиштириш ва тамакини фабрикагача қайта ишлаш билан банд бўлган ишчилар ўртасида оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималари ҳолатини эпидемиологик баҳолаш маълумотларини Самарқанд вилоятидаги сабзаёт етиштиришга мўлжалланган туманда истиқомат қилувчилардан олинган, шунга мос бўлган маълумотлар билан солиштиришда стоматологик патологияларни ошишини намоиш этди. Тамаки етиштирувчиларда тарқалиш ($87,5 \pm 2,9\%$) ва интенсивлиги (КПО индекси = $7,4 \pm 0,6$) тишларни кариес билан шикастланиши ($P < 0,01$) назорат гуруҳидаги текширилувчиларига нисбатан юқори ($73,4 \pm 1,5\%$ ва $5,6 \pm 0,5$ мос ҳолда).

1-жадвал

Тишларни қаттиқ қопламасини шикастланиши тарқалишининг қийсий маълумотлари ($M \pm m$, 100 нафар текширилувчига нисбатан)

Касалликлар	Текширилган гуруҳлар		P
	асосий	назорат	
Кариеснинг тарқалиши, %	$87,5 \pm 2,9$	$73,4 \pm 2,5$	$< 0,01$
КПО кўрсаткичи	$7,4 \pm 0,6$	$5,6 \pm 0,5$	$< 0,05$
Патологик зарарланиш	$16,2 \pm 2,8$	$4,5 \pm 0,9$	$< 0,001$
Тишлар пигментацияси ва қопламаси	$11,6 \pm 1,3$	$2,8 \pm 0,4$	$< 0,001$

Тишларнинг қаттиқ тўқимасини некрозли шикастланиши патологик ўчирилиш билан намоён бўлди ($16,2 \pm 2,8\%$ га қарши $4,5 \pm 0,9\%$ назорат гуруҳида, $P < 0,001$), тишлар пигментацияси ва қопламаси ($11,6 \pm 1,3$ га қарши $2,8 \pm 0,4\%$, $P < 0,001$) (1-жадвал).

Асосий ва назорат гуруҳидаги барча текширилувчилар орасида тишлар кариесининг тарқалиши таҳлили ёш аспекти бўйича ўтказилганда, тамаки етиштирувчиларнинг барча гуруҳларида кўрсаткичлар ишончли ($P < 0,05 - 0,001$) равишда юқори бўлганлиги аниқланган.

Иш стажига боғлиқ холда тишлар қаттиқ қопламасини шикастланиш интенсивлиги ва тарқалишини ўрганиш, тамаки етиштириш ва уни фабрикагача қайта ишлаш шароитида меҳнатнинг давомийлиги ва тишлар патологияси интенсивлиги орасида тўғри алоқа мавжудлигини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

Иш стажига боғлиқ холда тиш қаттиқ қопламаси шикастланишини тарқалиши ва интенсивлиги ($M \pm m$, 100 нафар текширилувчига нисбатан)

Касалликлар	Иш стажи					Назорат гуруҳи
	5 ёшга	5-9	10-14	15-19	20 дан юқори	
Кариеснинг тарқалиши	80,6±6,2	83,6±6,5	88,4±3,3	95,5±3,1	96,6±3,3	73,4±2,5
КПО кўрсаткичи	5,1±0,6	6,7±0,7	8,3±0,8	9,6±0,7	9,8±0,6	5,6±0,5
Патологик зарарланиш	-	9,7±0,6	13,9±0,8	15,6±1,1	18,7±1,4	4,4±0,9
Тишлар пигментацияси ва қопламалар	-	3,1±0,5	8,9±0,9	11,5±1,3	16,9±1,7	2,8±0,4

Тамаки етиштирувчиларда парадонт патологиясининг сони назорат кўрсаткичларидан 2,1 марта юқори бўлади ($P < 0,01$). Бунда милклардан қон кетиши сони 1,1 марта юқори ($P < 0,01$); тиш тоши -0,5 марта юқори ($P < 0,01$); 4-5 мм чуқурликдаги пародонтал чўнтаклар -1,2 марта юқори ($P < 0,01$); 6 мм ва ундан кўпроқ бўлган пародонтал чўнтаклар чуқурлиги -1,3 марта юқори ($P < 0,01$). Пародонтнинг шикастланиш интенсивлигини ўрганишда ҳам худди шунга ўхшаш қонуният кузатилади (1 текширилувчига нисбатан соғломлар ва шикастланган сектантлар миқдори). Демак, тамаки етиштирувчиларда соғлом сектантлар сони 1,5 марта кам бўлади ($P < 0,05$); милкдан қон кетиши, тиш тоши, патологик пародонтал чўнтакли беморлар сони назорат гуруҳига нисбатан 1,3-3,0 марта юқори бўлади ($P < 0,05$).

Тамаки етиштирувчиларнинг иш стажи ошгани сари гингивит билан касалланиш 39,1%га пасаяди, иш стажи 5 йилга етганда 21,7%, иш стажи 20 йил ва ундан юқори бўлганда пародонтитнинг тарқалиши аксинча, 45,7%дан 90,5%гача мос холда ортади.

Шундай қилиб, тамаки етиштиришдаги ноқулай ишлаб чиқариш омиллари пародонтда деструктив-яллиғланишли шикастланишини ривожланишига ва жараённи оғирлашишига олиб келади.

Буни тамаки етиштирувчилар милкини патоморфологик тадқиқ қилиш натижалари, пародонтит мавжуд бўлганда ҳам, мавжуд бўлмаганда ҳам олинган маълумотлар тасдиқлайди. Пародонтитда патологик белгилар кузатилмаган тамаки етиштирувчиларда милк стромасининг думалок ҳужайралар инфилтрацияси ва алоҳида қон томирларининг кенгайиши, эпителийнинг тикансимон қавати ҳужайраларининг пренуклеар шишиши кўринишидаги милк тўқималарининг патологик ўзгаришлари аниқланади. Пародонтит мавжуд бўлганда эса милк эпителийсида тикансимон қават ҳужайраларини акантоз ва вукуал дистрофияси белгилари аниқланади. Эпителиал пластнинг ўсиш қаватида ҳужайраларни кучли кўпайиши қайд этилади, бунинг оқибатида эса у кескин қалинлашади. Паракератоз ва гиперкератоз белгилари намоён бўлади, базал ва тикансимон ҳужайралар цитоплазмасида РНК миқдорининг кескин камайиши гистокимёвий текширишда аниқланади, эпителийнинг мугузсимон қаватида нейтрал ва нордон мукополисахаридлар, гликоген миқдори юқори бўлади. Шиллик қаватининг хусусий қатламида яққол намоён бўлган лимфогистоцитар инфилтрация қайд этилади, қон томирлари ва бириктирувчи тўқиманинг фиброз ва склероз белгилари кузатилади. Коллаген толалар кўполлашган, кескин кенгайган ва баъзи жойларда склероз майдонларини ҳосил қилган. Базал мембрананинг аргирофил толалари ингичка, баъзи жойларда палахса бўлиб парчаланишлар қайд этилади. Асаб толалари қалинлиги ва импрегнация интенсивлиги бўйича нотекис кўринишга эга. Алоҳида ҳолатларда яққол намоён бўлган варикозлик, емирилишлар ва кам ҳолатларда асаб толалари ўқ цилиндрининг палахса бўлиб парчаланиши ва вакуолизацияси кузатилади. Гистокимёвий усул билан бириктирувчи тўқиманинг плазматик ҳужайраларида РНКнинг камайиши ва қон томирлар деворида нордон мукополисахаридлар ва гликоген миқдорини кескин пасайиши аниқланади.

ОБШҚ гиперкератози ва микозга, сенсibiliзацияга олиб келувчи касбий зарарли моддаларнинг салбий таъсири маълум. Шунинг учун биз тамаки етиштирувчилар оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг ҳолатини ўргандик. Тамаки етиштирувчиларда аллергик стоматит, глоссит ва хейлит аниқланган бўлиб, уларнинг учраш сони назорат гуруҳидан олинган натижалардан 4,3-6,2 марта юқори бўлди (3-жадвал).

Тамаки етиштирувчиларда учрайдиган стоматитнинг аллергик шаклларида, глосситда ва хейлитда оғиз бўшлиғи шиллик қавати вестибуляр қисмида, тилда гиперемия ва лабнинг қизил қийқимибаъзида тилнинг ёнбош қисмлари ва ёноқда тиш излари билан шиллик қаватнинг шишиши кузатилади.

Тамаки етиштирувчиларда аллергик стоматит фонида етарли даражада тез тез аллергик ринит (21,9%), сурункали субатрофик фарингит (12,6%) ва сурункали субкомпенсатор тонзиллит (11,2%) учрайди.


Шунингдек, назорат гуруҳида учрамайдиган лейкоплакияни (12,3%) ва кандидозли шикастланишлар (10,4%) ни юқори даражада учраш сонини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Тамаки етиштирувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлар сони (%да) (M±m)

Касалликлар	Тадқиқот гуруҳи		P
	асосий	Назорат	
Жами стоматитлар	33,7±3,8	9,2±0,9	<0,001
Улардан: аллергик	16,2±1,8	3,5±0,4	<0,001
Сурункали қайталанувчи афтоз	7,3±0,9	5,7±0,7	<0,05
Кандидоз	10,2±1,2	-	<0,001
Лейкоплакия	12,3±1,6	-	<0,001
Улардан: оддий	3,1±0,4	-	<0,001
Гиперкератоз	7,4±0,8	-	<0,001
Эрозив-ярали	1,8±0,1	-	<0,001
Аллергик глоссит	9,7±0,8	-	<0,001
Дескваматив глоссит	6,5±0,5	5,4±0,4	>0,05
Лабларни шикастланиши, жами	23,4±2,4	2,1±0,3	<0,001
Улардан: аллергик	11,3±1,3	-	<0,001
Экзематоз	5,6±0,8	2,1±0,3	<0,01
Лабларни сурункали ёрилиши	6,5±1,2	-	<0,001

Иш стажи ошиб борган сари ОБШҚ патологияларининг тарқалишини ортиб бориши қайд этилди (1-расм), иш стажи 5 йилгача бўлган ишчиларда стоматитларнинг учраш сони 31,3%; иш стажи 20 йил ва ундан юқори бўлган ишчиларда эса -60,4%га тенг бўлди. Бунда тамаки етиштиришда ноқулай ишлаб чиқариш муҳити билан мулоқот давомийлигининг ошиб бориши билан оғиз бўшлиғи шиллик қаватидаги патологик жараёнларнинг характери ҳам ўзгариб боради. Демак, касбий стажнинг ортиб бориши билан аллергик стоматитлар сони пасаяди, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг бошқа патологик шакллариининг сони (сурункали қайталанувчи афтоз, гиперкератозли ва кандидозли стоматит, экзематозли хейлит, лабларни сурункали ёрилиши) тамаки етиштиришда ва тамакини фабрикагача қайта ишлашда фаолият юритувчи ишчилар иш стажини ортиб бориши билан, аксинча, сезиларли даражада ортади.

Ишчилар организмига ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирини баҳолаш учун умум қабул қилинган клиник тадқиқотлар билан бир қаторда касбий генезнинг патологик ҳолати скрининг-тизими илмий асосини яратишга имкон берувчи функционал, аллергологик ва иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш ва даволаш- профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.



1-расм. Иш стажига боғлиқ холда тамаки етиштирувчиларда стоматитнинг тарқалиши ($M \pm m$)

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, тишлар эмалини кислота буферига енгил тамаки етиштирувчиларда назорат гуруҳига нисбатан 19,6% ($P < 0,001$) паст, тишларнинг қаттиқ тўқимаси электр ўтказувчанлиги эса, аксинча, 1,4 мкл га юқори ($P < 0,01$), бу тамаки етиштирувчилар орасида тиш кариесининг ривожланиш хавф омилидан дарак беради. Тамаки етиштирувчиларда милкдаги сурункали яллиғланиш жараёнларининг сони (Шиллер-Писарева ва Кулаженко синамалари) 30,7%га юқори ($P < 0,001$), милк тўқимасидаги капиллярлар турғунлиги 18с га паст ($P < 0,001$).

Касбий стажнинг ортиб бориши билан таъм сезгисини пасайиш частотаси ортиб, то таъмни мутлақо сезмасликкагача бориши мумкин. Тамаки етиштириш соҳасида 5 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ишчиларда шўр ва нордон таъмга таъсирланиш таъм хиссининг бузилиши бошланиши аниқланади. Бузилишни ушбу турини аниқланиш сони меҳнат стажи 4 йилни ташкил этган гуруҳда унча катта бўлмаган кўрсаткичларга етади, бу ўзгаришлар деярли барча турдаги таъм сезгиларида кузатилади: нордон-26 нафар ишчида (45,6%), ширин-12 нафар ишчида (21,1%), шўр-11 нафар ишчида (19,2%) ва аччиқ-10 нафар ишчида (17,5%).

Шундай қилиб, тамаки етиштирувчилар ўртасида таъм анализатори функциясини бузилиши кўзгалувчанлик кўрсаткичи сифатида ҳам (кўзгалувчанлик бўсағаси), функционал мобиллик кўрсаткичи сифатида ҳам кузатилади.

Тамаки чангига сенсбилизацияни баҳолаш натижалари бўйича ўтказилган эндоназал тестда 97,8% ҳолатда 1-рақамли тамаки аллергенига ижобий натижа олинди ва 100% ҳолатда эса 2-рақамли аллергенга нисбатан ижобий натижа олинди; сублингвал тестда эса мос ҳолда 95,7% ва 100% ҳолатда; унга қарши назорат гуруҳидаги тадқиқот иштирокчиларининг 4,7% ҳолатида ижобий жавоб 2-рақамли аллергенга нисбатан эндоназал олинган бўлса ва 2,3% ҳолат-сублингвал тестда олинди.

Назорат гуруҳида биринчи ва иккинчи гуруҳ аллергенларига нисбатан Уанье ижобий реакцияси аниқланмади, тамаки етиштирувчиларда №1 рақамли аллергенга нисбатан антитаналар 38 нафар кишида аниқланди (82,6%), реакциянинг ўртача титри 1:545; №2 рақамли аллергенга эса мос ҳолда 40 нафар (86,9%) кишида аниқланди, реакциянинг ўртача титри-1:563.

Уанье реакциясининг ўртача титри иш стажи ошгани сари кўтарилиб боради: 5 йилгача ва 5-9 йилгача бўлган иш стажида улар анча паст-1:127 ва 1:141; 10-14 йил, 15 йил ва ундан юқори бўлган ҳолатларда 1:1163 ва 1:2414 (4-жадвал).

4-жадвал

Иш стажига қараб тамаки чангига сезувчанликнинг даражаси

Иш стажи	Намуналар сони	Сезувчанлик даражаси				Уанье реакцияси титри
		-	+	++	Сезувчилар	
5 гача	10	7 (70,0%)	3 (30,0%)	-	3 (30,0%)	1:127
5 – 9	12	42 (58,4%)	3 (25,0%)	2 (16,6%)	5 (41,6%)	1:141
10 – 14	14	2 (14,3%)	7 (49,9%)	5 (35,8%)	12 (85,7%)	1:1163
15 ва кўп	10	-	6 (60,0%)	4 (40,0%)	10 (100%)	1:2414

Тамаки етиштирувчиларда оғиз бўшлиғи номахсус ҳимоя омилларини намоён бўлиши назорат гуруҳи билан таққосланганда қуйидагича ҳолатда кузатилади: лизоцим фаоллигининг пасайиши, нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги ва сўлакдаги секретор иммуноглобулин А миқдори (1,5-2,3 марта) ($P < 0,01-0,001$). Оғиз бўшлиғи резистентлиги пасайишидан стрептококлар титрининг (3,6 марта) ва стафилакоклар (3,8 марта) ва моғор замбуруғининг ($P < 0,01-0,001$) аниқланиши гувоҳлик беради (5-жадвал).

5-жадвал

Тамаки етиштирувчилар оғиз бўшлиғи номахсус резистентлик кўрсаткичлари ($M \pm m$)

Текширилганлар гуруҳи	Лизоцим, мкг/мл	Фагоцитоз, %	SIg A, МЕ/мл	Оғиз бўшлиғининг микрофлораси, lg КОЕ /мл		
				Стрептококлар	Стафилококлар	Моғор замбуруғлари
Физиологик меъёр	2,5±0,12	56,2-58,2	0,50-0,80	1,2	0,6	йўқ
Асосий	1,25±0,06	21,4±1,2	0,28±0,05	3,6±0,18	4,20±0,6	2,65±0,11
Назорат	1,8±0,08	50,1±4,3	0,44±0,07	1,45±0,06	200±0,9	-
P	<0,01	<0,001	<0,01	<0,001	<0,001	<0,001

Тадқиқот натижалари асосида шу нарса аниқландики, тамаки ишлаб чиқаришдаги ишлаб чиқариш зарарли омиллари оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарига салбий таъсир кўрсатади, стоматологик патологиялар интенсивлиги ва тарқалишининг ошишини юзага келтиради, тишининг қаттиқ тўқималари минерал зичлигини бузади, милклар капилляр турғунлигини ва оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитетини пасайтиради.

Оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарини тадқиқ қилиш ишлаб чиқилган даволаш чора тадбирлар комплексини юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатди, буни стандарт терапия қабул қилган гуруҳдан олинган маълумотларни ўзаро солиштириш йўли билан аниқланди. Шунинг таъкидлаш зарурки, ижобий таъсир тамаки ишлаб чиқаришда хосил бўладиган зарарли таъсирларга учрайдиган оғиз бўшлиғидаги барча ўрганилган аъзо ва тўқималарда қайд этилди.

Клиник тадқиқотлар ишлаб чиқилган даволаш схемасини умум қабул қилинган даволашга нисбатан юқори самарали эканлигини кўрсатди. Даволаш ўтказилгандан сўнг унинг самарадорлиги “касалликдан тузалган” деб баҳоланган ҳолат асосий гуруҳнинг 20 нафар беморида $43,48 \pm 7,31\%$ кузатилди; қиёсий гуруҳда бундай беморлар кузатилмади, “сезиларли яхшиланган” деб баҳоланган даволаш натижаларига мос бўлган нисбат мос ҳолда 18 ($39,19 \pm 7,20\%$) га қарши 21 ($45,6 \pm 7,34\%$); тадқиқотнинг бу даврида асосий гуруҳда даволаш натижасида “ўзгаришсиз” деб баҳоланган беморлар кузатилмади, қиёсий гуруҳда эса бундай беморлар сони 6 нафарни ($13,1 \pm 4,97\%$) ташкил этди. Даволаш натижаларини ҳисобга олишда “соғлом” ва “сезиларли яхшиланган” деб баҳоланган ҳолатларда даволашни ижобий самарадорлиги учун асосий гуруҳдаги даволаш самарасининг ўртача йиғиндисини назорат гуруҳидан $28,87\%$ га \geq юқори бўлди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган алгоритм стоматологик патологияларни даволашда самарали бўлиб, тамаки ишлаб чиқаришдаги зарарли омилларга боғлиқ бўлади, унга жараёнларни клиник кечишининг мураккаблиги ва иницирланиши хосдир. Олиб борилган даволаш ишчиларни саломатлигига ва ўзини хис қилишига салбий таъсир кўрсатмади ва ножўя реакцияларни юзага келтирмади.

ХУЛОСА

«Тамаки етиштирувчиларнинг стоматологик статуси ва уларда даволаш-профилактика тадбирларини такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси (PhD) олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Тамаки ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллар комплекси стоматологик касалликларни тарқалиши ва интенсивлигига салбий таъсир кўрсатди. Тамаки етиштирувчилар ўртасида кариеслар сони 1,2-1,4 марта ортди; тишларнинг кариессиз шикастланиши – 3,6-4,2 марта; парадонт касалликлари – 1,8-2,0 марта; ОБШҚ касалликлари – 3,6-11,1 марта юқори бўлди. ОБШҚ касалликлари ўртасида лейкоплакия, кандидозли стоматит,

аллергик стоматит, глоссит, хейлит, лабларнинг сурункали ёрилиши энг кўп учради.

2. Тишларнинг қаттиқ тўқимаси касалликлари пародонтит ва ОБШҚ патогенезида тишлар қаттиқ тўқимаси минерал зичлигининг бузилиши, милк капилляр турғунлигининг пасайиши, таъм билиш анализаторлари вазифасининг бузилиши етакчи ўринни эгаллайди.

3. Тамаки етиштирувчиларда стоматологик касалликларнинг ривожланиши оғиз бўшлиғи номахсус резистентлигининг пасайиши ва тамаки чанги компонентларига сенсibiliзация билан тавсифланади.

4. Тамаки етиштирувчиларда стоматологик касалликларни даволаш учун даволаш алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, у патология ривожланишининг асосий патогенетик механизмларига қаратилган бўлиб, иммунологик силжишларни меъёрлаштиришни ўз ичига олган организм функцияларини оптималлаштирувчи комбинациялашган пробиотиклар – Опефера; тамаки чангига сенсibiliзацияни камайтириш учун-аллергияга қарши восита –Альцетра; оғиз бўшлиғи яллиғланиш жараёнларини пасайтириш учун –антисептик ва анальгетик дори воситаси – Хепилор қўлланилади.

5. Ишлаб чиқилган даволаш алгоритмини қўллаш қиёсий гуруҳда 100% беморга қарши 86,9% беморга ижобий клиник самара кўрсатди. Янги алгоритмдан фойдаланишнинг клиник самарадорлигини ўртача йиғиндиси умум қабул қилинган даволашдан 28,87% га \geq юқори бўлди.

6. Тамаки етиштирувчиларда стоматологик касалликларни ривожланишининг асосий механизмларини нивелирланишида даволаш алгоритмини қўллашда тишлар қаттиқ тўқимасини даволаш самарадорлиги 34,95%га; парадонт касалликлари $\geq 28,92\%$ га; ОБШҚ $\geq 25,30\%$ га; оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарининг функционал ҳолати $\geq 38,5\%$ га; таъм билиш анализаторларининг фаолияти $\geq 25,93\%$ га яхшиланди; ОБШҚни сенсibiliзацияси $\geq 21,07\%$ га пасайди ва номахсус резистентлик $\geq 37,98\%$ га ошди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ DSc.28.12.2017.Tib. 59.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ

НАЗАРОВА НОДИРА ШАРИПОВНА

**СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ СТАТУС У ТАБАКОВОДОВ И
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЛЕЧЕБНО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ
МЕРОПРИЯТИЙ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/Tib286.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей и Самаркандском Государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tsdі.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Камилов Хайдар Позилович,
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Амхадова Малкан Абдурашидовна,
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Боймуродов Шухрат Абдужалилович,
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Дальневосточный Государственный
Медицинский университет (Российская
Федерация)**

Защита докторской диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте. Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100047, г. Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2019 года).

Ж.А.Ризаев,
председатель Научного совета по
присуждению научных степеней, доктор
медицинских наук, доцент

Л.Э.Хасанова,
научный секретарь Научного совета по
присуждению научных степеней, доктор
медицинских наук, доцент

Х.И.Ирсалиев,
заместитель председателя научного семинара
при Научном совете по присуждению
научных степеней, доктор медицинских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Предотвращение профессиональной патологии у работников, занятых сельскохозяйственной деятельностью и создания для них оптимальных условий труда является одной из приоритетных задач для отраслевых специалистов в мировой практике. Табачная промышленность является высокоразвитой отраслью агропромышленного комплекса Республики Узбекистан и представлена фермерскими хозяйствами, выращивающими табак и производящими первичную обработку ферментационными заводами, табачными комбинатами и фабриками. Несмотря на широкое внедрение средств механизации на отдельных этапах дофабричной обработки табака «... большинство трудовых операций в табаководстве выполняются вручную. В процессе выращивания, сбора и после урожайной обработки табака работающие подвержены воздействию неблагоприятных физических и химических факторов производственной среды, высоких концентраций табачной пыли, азотсодержащих веществ неалколоидной группы, фенол, метанол, эфирные масла, метиловый спирт и смолы, минеральных веществ ...»¹. В состав табака в качестве примесей могут входить «... пестициды, гербициды, фунгициды, инсектициды, которые применяются как средства защиты растений от болезней, сорняков и вредителей ...»². Учитывая сказанное выше, поиск решений перечисленных проблем являются актуальными задачами стоящих перед специалистами отрасли.

Повсеместно проводится ряд научных исследований для достижения эффективности стоматологического статуса и улучшения профилактических мер у табаководов. В связи с этим важное значение имеет оценка распространения и интенсивности стоматологических заболеваний у табаководов; оценка функционального состояния твердых тканей зуба и анализаторов вкуса табаководов; оценка уровня неспецифической резистентности полости рта и СОПР сенсibilизации к аллергену табака у работников табачного производства; разработка алгоритма стоматологической помощи для работников табачной промышленности; оценка эффективности разработанного алгоритма лечения и влияния по физиологическому статусу, неспецифической резистентности и оральной сенсibilизации, а также оценка эффективности лечения заболеваний, уменьшение осложнений заболевания, совершенствование механизма профилактических мероприятий.

Особое внимание уделяется развитию медицинской сферы нашей страны, в частности, профилактике хронических заболеваний среди населения, снижению вредного воздействия табачных изделий. Для целевого решения настоящих проблем, в Стратегии действий по пяти приоритетным

¹ Баева И.В. Гигиеническая оценка табачного производства города Ярославля как источника загрязнения атмосферного воздуха // Гигиена и санитария. М., 2003, № 1. – С. 25-26.

² Christiani D.C., Ye T.T., Zhang S., Wegman D.H., Eisen E.A., Ryan L.A., Olenchock S.A., Pothier L., Dai H.L. Cotton dust and endotoxin exposure and long-term decline in lung function: results of a longitudinal study // Am. J. Ind. Med. 2010, № 35(4). – P. 321–31.

